«ҒАЛЛАБАНК» ҲАМКОРИНГ БЎЛСА, ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

# «ҒАЛЛАБАНК»

*Республика акциядорлик-тижорат банки жамоаси мамлакатимиз халқини ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақилликнинг 13 йиллиги билан чин дилдан самимий муборакбод этади.*
*Шу улуғ айём кунлари хонадонингизга бахт-саодат, тўкинлик, файз-барака тилаймиз!*

**«ҒАЛЛАБАНК»**
**ҲАМИША СИЗ БИЛАН!**



# O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK

UJB

*Imkoniyat yaratamiz*

**жамоаси**
**серқуёш Ўзбекистон халқини**
**Республикамиз мустақиллигининг**
**13 ЙИЛЛИК**
**айёми билан чин дилдан муборакбод этади!**
**Барчага сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, севимли Ватанимизнинг порлоқ келажагини яратишдек бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилаймиз.**





# "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ"

**миллий холдинг компанияси жамоаси**

**Ўзбекистон халқини,**
**шу жумладан, мамлакатимиз**
**нефт ва газ саноати ишчи-хизматчиларини**
**энг улуғ, энг азиз байрам —**
**МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН**
**чин қалбдан қизғин ва самимий табриклайди.**
**Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида қилаётган эзгу ва хайрли ишларингизда омад сизга ҳамиша ёр бўлсин, азиз Ватандошлар!**

**Сизга хизмат қилишдан бахтиёрмиз.**

# МАЪРИФАТСИЗ САОДАТ БЎЛМАС

- Электрон кутубхона зарурати
- Китоб ўқимаган одам ишсиз қоладими?
- Замонавий кутубхоначиларга эҳтиёж

Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бўлган китоб ҳақида минг йиллар оша неча-неча авлодлар ҳайрат билан сўзлаб келганлар. Бу ҳайрат бугун ҳам инсон боласини тарк этмаган.

Кейинги пайтларда мамлакатимизнинг етакчи газеталарида, жумладан, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» «Маърифат» саҳифаларида Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Маҳмуд Саъдий, Барот Бойқобилов, Мурод Хидир, Анвар Обиджон, Сирожиддин Саййид сингари зиёлиларимизнинг китоб ва китобхонлик тақдири хусусида куюнчаклик билан чиқишлари шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, китоб нафақат инсониятнинг ёзма хотираси, балки унинг бугунини белгилаб берувчи ва келажагини башорат қилувчи мислсиз хилқатдир. Китобсиз илму маърифатга эришишни, илму маърифатсиз эса, тўкис жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳамма нарса инсоннинг билимига, маънавий камолотига бориб тақалар экан, китобхонлик анъаналарини ривожлантириш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва тараққий топтириш жуда зарур вазифалиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Мутолаа маданиятини шакллантиришда кутубхоналарнинг ўрни алоҳида. Кутубхоначилик соҳасининг нечоғли ривожлангани алал-оқибат замондошларимиз маънавиятига таъсир кўрсатувчи омил сифатида майдонга чиқади. Шундай экан, ютуқ ва камчиликларимизга баҳо берсак, долзарб муаммоларнинг ечими хусусида фикрлашсак.

Ҳозир мамлакатимизда турли вазирликлар, идора ва ташкилотлар тасаррурфидаги 17 мингдан зиёд кутубхона 140 миллион жилддан ортиқ фонди билан китобхонларга хизмат кўрсатяпти. Аслида бу кичик имконият эмас. Бунинг устига, ўн мингдан зиёд мактаб, юзлаб лицей ва коллежлар, қанчадан-қанча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда мамлакатимизда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш учун зарур салоҳият борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Лекин гап мана шу имкониятларни ишга солишда, фаоллаштиришда.

Очиғи, кейинги вақтларда китобхонлик даражасининг пасайиб кетгани хусусидаги хавотирларда жон бор. Буни фақат ўтиш даври қийинчиликларига боғлаб қўйиш муаммони жўн изоҳлаш бўлар эди.

Бу муаммони икки нуқтаи назардан, яъни кутубхона ва китобхон позициясидан туриб ўрганиш керак. Маълумки, бозор иқтисоди шароитида «талаб ва таклиф» қоидаси амал қилади. Бу қоидани кутубхоначилик соҳасига жорий этмоқчи бўлсак, китобхонни қизиқтирган манбани кутубхона унга тақдим эта оляптими, деган савол туғилади. Ҳар қандай кутубхонанинг обрў-эътиборини ана шу саволга берилган ижобий жавоб белгилайди. Афсуски, бугунги кунда жуда кўп кутубхоналар ўз китобхонларининг эҳтиёжларига яраша хизмат кўрсата олмаяпти.

Ўтган йили Берлинда бўлган кутубхоначилар халқаро форумида сўзга чиққан бир профессор бугунги китобхоннинг қиёфаси ҳақида гапириб, Германиянинг қайси шаҳарида ишсизлар кўп бўлса, ўша ерда кутубхонага қатнов ортганини, чунки меҳнат бозоридаги рақобатда малакаси юқори бўлган мутахассиснинг қўли баланд келишини айтган эди. Демак, китобхонни кутубхонага манфаат етаклаб келади. Тўғри, бизнинг соҳамизда болалар китобхонлиги, катталар китобхонлиги деган тушунчалар бор. Айни ўринда биз катталар китобхонлиги, яъни англанган китобхонлик ҳақида гапиряпмиз. Кутубхонадаги манбалар фойдаланувчиларнинг эҳтиёжига мос бўлган тақдирдагина у замонавий, жозибали масканга айланиши мумкин. Бунинг учун, биринчидан, китоб фондларини муттасил янгилаб бориш зарур. Эндиликда кутубхона фондини тўлдириш деганда, анъанавий китоб, газета-журналлардан ташқари электрон маълумотлар базаларини ҳам назарда тутиш лозим.

Иккинчидан, кутубхона жараёнларини компьютерлаштириш, унга янги ахборот технологияларини жорий этиш керак. Очиғи, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар мўл-кўл. Республика, вилоят ва баъзи туман марказий кутубхоналарини айтмасак, оммавий кутубхоналарнинг аксарияти бу замонавий неъматдан бебаҳра. Кутубхоналарнинг компьютерлаштирилиши хизмат кўрсатишни тезлаштиради, китобхонга ҳам, кутубхоначига ҳам кўпгина қулайликлар яратади. Компьютер техникасини қўллаш, биринчи навбатда, манбани қидириб топишни осонлаштириш, қолаверса, кутубхонанинг электрон ресурсларини ташкил этиш учун зарурдир.

Электрон каталоглар яратиш масаласида бизда дастлабки қадамлар қўйилди. Пойтахтдаги йирик кутубхоналардан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Республика Тиббиёт кутубхонаси, Тошкент Техника университети кутубхонаси биргаликда электрон каталог тузишга киришиб, ҳозиргача 130 мингдан зиёд китобнинг тавсифини компьютер хотирасига жойлади. Энг муҳими, мазкур кутубхоналарнинг веб-сайтига кириб, бу манбалардан бепул фойдаланиш мумкин. Аммо айтиш керакки, бу — денгиздан томчи. Чунки биргина Миллий кутубхонанинг 10 миллионга яқин фонди электрон каталогини яратиш учун йиллар керак.

Умуман, кутубхона фондларини, аввало, ноёб ва нодир китобларни сканер қилиб электрон шаклга ўтказиш, бошқача айтганда, электрон ресурслар ташкил этиш шу китобларнинг сақланишини таъминлаш билан бир қаторда улардан фойдаланиш имкониятлари ва кўламини кенгайтиради. Ҳатто уларни бошқа юртлардаги талабгорларга етказиб бериш, сотиш имконини яратади. Электрон кутубхоналарни ташкил этиш эса, умумдавлат дастури асосида амалга оширилиши мумкин бўлган кенг миқёсли тадбирдир.

Учинчидан, кутубхоначилик соҳасини бошқариш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш учун унинг қонуний асосини яратиш зарур. «Кутубхоначилик иши тўғрисида»ги Қонун, соҳани ривожлантириш концепцияси сингари лойиҳалар ишлаб чиқилди, бироқ улар якунига етказилмасдан турибди. Кутубхоначилик соҳасини ҳимоя қилувчи қонуннинг йўқлиги турли-туман қийинчиликларни, англашилмовчиликларни юзага чиқаради. Масалан, Миллий кутубхона ўтган йили 2004 йил учун хорижий илмий журналларга обуна бўлган. Шу журналларни олиш пайтида божхона органлари кутубхона зиммасига импорт божи тўлашни юкламоқда. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарорига биноан, бюджет ташкилотлари ўз эҳтиёжи учун бюджет маблағлари эвазига хориждан товар олиб келса, импорт божи тўлашдан озод қилиниши керак.

Тўртинчидан, кутубхоналарга янги технологияларнинг кириб келиши кутубхоначи кадрларнинг янги авлодини тайёрлашни тақозо қилмоқда. Олий маълумотли кутубхоначилар биргина Тошкент давлат маданият институтининг кутубхоначилик ва ахборот фаолиятини бошқарув факултетида йилига 30-35 нафардан тайёрлаб берилади. Бу эса соҳанинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга етарли эмас. Шунинг учун бу факултетга қабулни кўпайтириш билан бирга янгича ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган Ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Техника университети сингари дорилфунунларда қўшимча кутубхонашунослик бўлимлари очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, Маданият институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузурида малака ошириш курсларини ташкил қилиш ҳам муаммони бир қадар бартараф этишга ёрдам беради.

Бешинчидан, китобхонликни ривожлантириш учун йирик кутубхоналар қошида мутолаа марказлари ташкил этиш керак. Мисол учун, АҚШнинг Конгресс кутубхонасида ташкил этилган «Китоб маркази»нинг филиаллари 47 та штатда мустасил фаолият олиб боради. Унинг асосий мақсади мамлакатда мутолаа маданиятини юксак даражада ушлаб туриш, китобхонликни аҳолининг ҳамма табақаларида, ёшу қари орасида кенг ёйишдан иборатдир. Чунки, америкаликларнинг фикрича, мутолаа қилувчи одам — «Homo legens» ҳар қандай ислоҳотларнинг марказида туради, ўқийдиган омма эса демократик жамиятнинг асосий шарти ҳисобланади.

Кутубхоналарнинг, айниқса, оммавий универсал кутубхоналарнинг аҳоли билан мулоқотини кучайтириш лозим. Бу борада ноширлар, китоб савдоси ходимлари билан бир қаторда кутубхоначилар ҳам ташаббус кўрсатса нур устига нур бўлар эди. Аҳолимиз қайси кутубхонага қандай янги китоб, янги манбалар келиб тушганидан бохабар бўлиб бориши лозим. Бунинг учун кутубхоначилик соҳасининг газетами, журналми, хуллас, бирор-бир даврий нашрини ташкил этиш зарур.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси яқинда Буюк Британиянинг «Proquest» компаниясидан диссертация ва авторефератларнинг электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш паролини (калитини) олди. Эндиликда бизнинг аъзоларимиз интернет орқали фаннинг ҳамма соҳалари бўйича инглиз тилида ёқланган диссертация авторефератларининг тўлиқ матнини олиши мумкин. Хоҳланг бундан олти ой аввал ёқланганини, хоҳланг — юз йил олдингисини. Диссертацияларнинг умумий миқдори бир ярим миллиондан ортиқ. Автореферат ўрнига диссертациянинг тўлиқ матни билан танишмоқчи бўлганлар қўшимча буюртма бўйича муддаоларига эришадилар.

Албатта, бундай ахборот билан кутубхонага келувчилар янгиликлар, эълонлар тахтаси орқали танишиши мумкин. Лекин профессионал нашр бўлса, бу янгилик бутун элга аён бўларди.

Кутубхона ишини фаоллаштиришда муаллифлар билан учрашувлар, китобхонлар конференцияларининг аҳамияти катта. Ўтган йили 20 сентябрдан 30 сентябргача Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси, Миллий кутубхона ва бир қанча вазирликлар ташаббуси билан «Китобхонлик куни» деган умумий ном остида туркум тадбирлар уюштирилган эди. Вилоят ва туманлардан келган хабарлар, радио ва телевидениедаги эшиттириш ва кўрсатувлар, газеталардаги чиқишлар бу тадбирларнинг бесамар кетмаганидан далолат берди. Бу йил ҳам шундай тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу йил ноябр ойига режалаштирилиб, давлат дастурига киритилган кутубхоначилик муаммоларига бағишланган халқаро конференцияда ҳам олдимизда турган долзарб вазифаларни уддалаш йўлида амалий фикр ва тажриба алмашув бўлишидан умидвормиз.

Хуллас, халқимизнинг китобга иштиёқини ошириш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш бир томонлама ҳаракат эмас. Бу ерда инсон китобга, китоб (кутубхона) эса инсонга интилиши керак.

**Абдусалом УМАРОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ



Барча ватандошларимизни истиқлолимизнинг
13 йиллиги билан муборакбод этади.
Муҳтарам юртдошлар,
ҳар бирингизнинг хонадонингиз ҳамиша
осойишта бўлиб,
маърифат зиёси билан нурланиб турсин!

Тоғлар бағрида жойлашган
табиати сўлим ва бетакрор
"КОСОНСОЙ" СИҲАТГОҲИ



барча-барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги билан муборакбод этади.
Истиқлол айёми қалбларингизга эзгу орзу умидлар, қувончу шодликлар олиб кирсин.

Қадрли ҳамюртларимизга энг тенгсиз бойлик — соғлик-омонлик, ҳушкайфият тилаймиз.

Сиҳатгоҳимиз Сиз азизларга мунтазир.

Бизда физиотерапевтик муолажаларнинг барча турлари мавжуд: юқори ва паст частотали ток билан даволаш, магнит майдони билан, нур билан, парафин-азокирит, маъданли сув ёрдамида ҳар хил ванналар, айлана душ, сув ости массажи, массаж, игна билан даволаш каби усуллар қўлланилади.
Сиҳатгоҳимизда асосан қуйидаги хасталиклар даволанади:
асаб касалликлари, ҳаракат таянч, ҳазм органлари, жигар, ўт-пуфак, нафас ва сийдик йўллари хасталиклари ва бошқалар.



Сиҳатгоҳда фитобар ташкил қилинган бўлиб, унда ҳар хил гиёҳлардан дамланган дамламалар беморларга шифо бахш этади.
Сиҳатгоҳнинг тоғ ёнбағрида, сой бўйида жойлашганлиги, ҳавосининг софлиги ва енгиллиги даволаниш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Санаторий қошида 250 ўринли ошхона мавжуд. Дам олувчиларнинг мароқли ва завқли хордиқ чиқаришлари учун санъаткорлар ва дорбозлар хизматда бўладилар.

Байрам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Манзилимиз:
Наманган вилояти,
Косонсой шаҳри,
Халқлар дўстлиги кўчаси, 21-уй.
Тел.: (8-265) 21-197, 21-198.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимиз мустақиллигининг
13 йиллиги барчангизга қутлуғ бўлсин!

Юртимиз узра тинчлик-омонлик, тўкинлик ва фаровонлик мангу барқарор бўлсин. Озод диёримиз бахту саодатга йўғрилган кунларда элдошларимиз хизматида эканлигимиздан мамнунмиз.



Хушҳаво "Чортоқ"
ҳамиша сизларни кутади.

Денгиз сатҳидан 530 метр баландликда хилма-хил ўсимликлар дунёси, мевали-манзарали дарахтлару гулзорлар бағрида жойлашган сиҳатгоҳда дам олиш, ташхис қўйиш, даволаш бинолари, спорт майдонлари, 400 ўринли ошхона, 600 ўринли санъат саройи, кутубхона, қишки ва ёзги рақс майдонлари мавжуд, юксак малакали ҳаким ва ҳамширалар ҳамиша хизматингизда.

Сиз азизларга тан-сиҳатлик, юртимизга боқий иқбол тилаймиз.



Улуғ айём қутлуғ бўлсин!

"Чортоқ" сиҳатгоҳи
жамоаси



Манзилимиз:
Наманган вилояти,
Чортоқ тумани,
"Чортоқ" санаторийси.
Телефонлар:
(8.36941) 23-261;
26-330; 26-135.

Katris
ФИРМАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ
ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ

Ўзбекистон халқини, барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этамиз. Истиқлол нури қалбингизни ҳамиша нурафшон этсин! Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин.



Мебель олсанг «Katris»дан,
роҳат қиласан дилдан.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

